



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 9 июл, жума №91 (738)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Огоҳ бўлайлик! ОППОҚ ТОНГЛАР ҚАДРИ

«ФЕВРАЛ ВОКЕАЛАРИ»НИ Ойна жаҳон оркали кўриб, каттик изтиробга тушдим. Муштипар оналарнинг фарёди бутун бағримни эзиб юборди. Назаримда волида тимсолида бутун ЎЗБЕКИСТОН йиғлаётган эди. Ярамастар. Ўз ватанини сотган ношуду нотавонлар, дейман ўзини кўлга ололмади. Яратувчилик ила машғул бўлган покиза вужудни исканжага олган истироблардир бу!

Борлигимни аламли титроқ қамради. Эй, вох, ёруғ дунёдан бевақт ва армонда кетган беғуноҳ кишилар ҳам, мудҳиш режа - кўпуровчиликни амалга оширган разилларнинг кўпчилиги ТАБАРРУК ТУПРОФИМИЗ фарзандларидир. Бундан-да оғир савдо бўлмас.

Ислол динини ўзига ниқоб қилиб шум ниятни дилига туганлар Широқ, Муқанна, Темур Малик, Жалолдин Мангуберди, Сохибқирон Амир Темур каби буюк қаҳрамонлар етишиб чиққан, улуг ва мўтабар инсон ИСЛОМ КАРИМОВ раҳномалигида мустақилликка эришган, жаҳонга юз тутган мамлакатни террор орқали саросимага солиш асло мумкин эмаслигини нахотки тушунишмаган бўлса?!

Эй, етти пуштига иснод келтирган ақли сўқирлар! Ўз онангизга, синглингизга, жигарларингизга қўл кўтаришга қандай журъат этдингиз? Қора қалбингизда меҳру-муҳаббатдан, садоқатдан, иймону эътиқотдан асар бўлмагач, қандай қилиб ўзингизни инсон санадингиз? Сувда, темир панжара ичида ва танфуруш, ўз юртдошларининг қотили бўлиб ўтирданган кўра минг марта ўлган яхши.

Кўзимни телезкрандан узолмасам-да, ҳаёлимда ОНАМ айтиб берган воқеалар жонланади:

«Колхозлаштириш даври бошланганида эндигина 14 ёшда эдим. Мен учун ҳам меҳнат дафтарчаси очилди. Эрталабдан то кун ботгунга қадар далада ишлардик. Муайян вақтдан сўнг маош ўрнига кичкинагина эчки боласи беришди. Хаёт кечирishi ниҳоятда оғир. От минган кузатувчи бироз дам олаётганимизни кўрса қамчи билан саваларди. Елкамиз оғриқдан зирқираб турса-да, лом-мим демасдик. Ушанда замин меҳри, юрт ишқи нақадар бебаҳо туйғу эканлигини ҳис қилганман. Чехрамиз ёришмаса-да, ҳар тонгини орзиқиб кутардик. Чунки қачонлардир яхши кунлар келишини билардик. Шу боис, ОППОҚ ТОНГНИ қаршилаш энг катта орузга айланганди. Афсуски, 76 йиллик азиз умрим шу залда ўтди. Яратганга шукроналар бўлсинким, ОҚ ТОНГНИ - ИСТИҚЛОЛ ТОНГНИНИ кўриш насиб этди».

Ёруғ кунлар шоҳиди бўлиш жадидлар ҳаракатининг атоқли намоёнларидан бири Абдулла Авлонийнинг ҳам орузи эди. Бирок, унга буюк бахт насиб этмади: армон билан оламдан ўтди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ВАТАНИМ, ОНА ЮРТИМ дега қанчадан-қанчадан мард аскарларимиз жангга кирдилар. Кимлардир тенгсиз олишувларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Уша кезде пок қалбида муқаддас туйғулар жўш урган буюк шоиримиз Фафур Фулом:

— ТОНГ ЯҚИН, ТОНГ ЯҚИН, ОППОҚ ТОНГ ЯҚИН! - дея бақорат қилганди.

Бухоро амрилиги змонида тарих саҳнасига чин фарзандлик бурчини адо этмоқ учун ўз даврининг атоқли сиёсий арбоби Фаёзулла Хўжаев чиқди. У Туркистон аҳлини хуррият сари чорлади. Бирок шўролар илкида қолиш эркин қўлдан бериш эканлигини чуқур ҳис қилиб эзилди. У «Бухоронинг минораи Калониға оқ лайлақлар қайтганини кўрсам эди» дея фиғон қилган.

ОППОҚ ТОНГ, оқ лайлақлар!... Бу аввало юрт тинчилиги, ободлиги. Тинч мамлакатдагина ОППОҚ ТОНГ отади. Кечалари хотиржам ухлаб, тонг билан шукрона айтиб уйқудан турганга не етсин.

Бугунги кунда Бухоромга ҳам ОҚ ЛАЙЛАҚЛАР қайтган. Улар қишда ҳам шу ерда қолишни маъқул кўришди. Қалбим жунбушга келади: шу жаннати кушлар ҳам муқаддас замин меҳрини туйган бўлсалару айрим ношукур, соткин йигитлар ўз халқига, юртига қарши боришса, не-не беғуноҳ одамларнинг қотилига айланмишса, нақадар даҳшат. Ха, бундайларда соф юрак, жўшқин қалб, иймону эътиқод нима қилсин?

Феврал воқеалари кўзимизни очди, мулла бўлдик. Президентимиз таъкидлаганларидек, осмонимизнинг мусаффо бўлиб турганлиги катта машаққатлар эвазига, жонқуяр фарзандларнинг ўз бурчига садоқат билан хизмат қилаётганликлари тўғрисида ОППОҚ ТОНГНИ кўриш насиб этиб турибди. Инчунун, бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди!

Муродулла ҒАФУРОВ.

КУЁШГА ЮЗ ТУТГАН ХАЛҚ

Ватандошларимиздан келаётган юзлаб, минглаб мактубларда «Февраль воқеалари» биз учун сабоқ бўлди, дейилмоқда

Одамзод ёруғ кунлар орузи билан яшайди, ёруғликка интилади. Мустақиллик миллатимиз орузу қилган ана шундай ёруғлик, халқимиз боши узра порлаган офтоб бўлди. Озодлик офтоби вақт ўтган сайин қанчалик ёруғ тортса, бу ойдинда пана-пасткамдаги қора доғлар шунчалик аниқ кўринмоқда. Халқимиз ўз Президенти раҳномалигида мустақил тузумдан қолган бундай «қора доғларни бартараф этиш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, Ватанимизнинг қудратига қудрат қўшиш учун улкан яратувчилик ишларига Истиқлолнинг илк йиллариданок энг шимариб киришди. Ўтган саккиз йилга яқин вақт ичида қанчадан қанча ўзгаришлар рўй берди. Бу ишлар тоғдай юксалиб, кўзга яққол ташланиб турибди. Бирок, надоматлар бўлсинки, ўша калтис давларда, халқнинг шўролар тузумига бўлган нафратидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринган ва шу орқали 80-йилларнинг охирида, 90-йилларнинг бошларида «бир юмалаб» пайдо бўлган сафсатабозлар — сохта демократлар кўзлаган макссадларига етишолмагач, хорижга қараб «шаталоқ» отиб қолгани ҳам бор гап.

сатга мустаҳкам ишонч акс этган.

«Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмини кўргандан кейин бўлиб ўтган воқеаларнинг асл моҳиятини ва унинг оқибатлари қандай бўлиши мумкинлигини очик-ойдин тушуниб етдим, — деб ёзади тошкентлик халқ маорифи аълоҳиси Ҳокимжон Ҳошимов. — Фильмда биринчи навбатда февраль воқеаларининг мудҳиш оқибатлари ва уни содир этган бир гуруҳ жиноятчи ватанфурушларнинг асл башараси очиб ташланган. Айниқса, авантюрист фитначилар Муҳаммад Солиҳ, Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний каби инсон қиёфасидаги қонхўр махлуқларнинг қора ва қабих ниятлари бутун ўзбек халқига ва унинг бебаҳо қадриятларига бўлган хиёнат, деб ҳисоблайман. Республика Олий суди томонидан фитначиларга ҳисобат чикарилган жазо ҳукмини оқилона деб биламан. Шу билан бирга фитначиларга беш-қош бўлган, чет элларда каламуш каби беқиниб юрган кўрқоқ Муҳаммад Солиҳ, Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний кабилар ҳам тез кун-

ларда ўз қилмишларига яраша халқимиз олдида жавоб беришига имоним қомилдир».

Китоб туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчилари, Пахтакор туманидаги Фафур Фулом номли 2-ўрта мактаб ўқитувчиси Т. Жабборова, гурланлик фахрий ўқитувчи Ш. Урозбоев, Қизилқум тумани халқ таълими ходимлари, Учқўрғон туманидаги 42-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси М. Ашурова, Термиздаги 9-мактаб директори О. Худойназарова, Наманган шаҳридан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи А. Мамажонов, Фориш туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, «Эл-юрт хурмати» ордени ишондориди Х. Тўраев, Қўшқўпри тумани 39-мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси С. Султонова, Наманган шаҳридаги 15-ўрта мактаб жамоаси, Бобот туманидаги 2-линей ўқитувчиси, «Шўхрат» медали соҳибига А. Бобоқонов ва бошқалар ҳам ўз мактуб ва шошилинчоналарида худди шу мазмундаги фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Шунингдек, улар ёшларни ватанпарвар, истиқлол гоёсига содик, маърифатли, қомил инсон қилиб тарбиялаш

йўлида бутун куч-гайратларини аямасликларини билдиришган.

Эътиборли томони шундаки, келаётган шошилинчоналар муаллифлари турли миллат вакиллариридир. Пахтакор туманидаги 31-мактаб-интернат директори О. Хван жўнатган шошилинчона ҳам диққатга сазовор: «Менинг отам корейс, онам — рус, турмуш ўртоғим ўзбек йигити. Ўзбек урф-одатлари бизнинг оиламизга сингиб кетган. Ўзбек тилини ўз она тилидек билувчи менинг отам биз фарзандларига ҳам бу тилни ўргатишдан ташқари, тугилиб ўсган юртга хиёнат номардининг иши, деб тинмай ўқтирдилар. Ўз навбатида бу ўғитни фарзандларим қулоғига қуяр эканман, бу юртдан қандай айро тушиш муминлигини тасаввуримга ҳам сиғдирма олмайдим. Шу юртнинг ҳар бир ютуғидан фахрланаман, ташвишидан қуяман. Ўз Ватани тузини еб, тузалигига тупурганларини инсон дейишга тилим бормайди. Ўзини инсон ҳисоблаган ҳеч бир киши бу йўлга кирмайди. Янги ўкув йилига тайёргарлик жараёнида ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш режаларини

тузар эканман, ҳаёлан тез-тез 16 февраль воқеалари кўз олдимда намоён бўлади. Биз мураббийлар ўз ўқувчиларимизнинг маърифатли ва одобли инсонлар бўлиб етишишида мажбуриятлимиз. Февраль воқеалари бизнинг юртимизда минбаъд тақдорланмаслиги керак».

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Бу юртда юздан ортиқ миллат вакиллари истиқлол сурури билан яшамокдалар. Улар оғир кунларда ҳам бирга бўлишган, иншооллоҳ, яхши кунларда ҳам ҳамдаму ҳамфикр. Бирок, ўзимиздан чиққан айрим «бало»лар баъзи бир хорижий мамлакатларда бекиниб олишиб нима учун ҳар хил фисқу фасод тарқатиб юришибди? Халқимизнинг мўмин-қобил йигитларини йўлдан уриб, жангарига айлантираётган, уларни жаҳолат, хунрезлик ва жиноят сари бошлаётган, миллатнинг шаънига иснод келти-

(Давоми 3-бетда)

Жўшқин ҳаёт нафаси

«Кўкдарё» сара бугдойи

Устюрт этакларида деҳқончилик қилаётган Кўнғирот туманидаги «Кўкдарё» ширкатлар уюшмаси галлакорлари давлатга салкам минг тонна бугдой топшириб, йиллик шартнома режасини бақарди. Деҳқонлар бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида астойдил меҳнат қилиб мўл ҳосил етиштирди. Гектар бошига 40 центнердан ҳосил кўтарилди. Бунда бугдойнинг иқлимбол нави танланганлиги муваффақият гарови бўлди.

«Кўкдарё»ликлар режадан ташқари 460 тонна галла топширишга аҳд қилдилар.

«Темурий маликалар» кўргазмаси

Болалар бадиий ижодиёти Республика марказида Аёллар йилига бағишлаб «Темурий маликалар» деб номланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Тарихий мавзудаги мазкур кўргазмага марказ ва унинг вилоятлардаги тасвирий санъат студиялари аъзоларининг элликлдан ортиқ расмлари қўйилди. Еш расмлар темурийлар даври маликаларини ўз тасаввурларида ранг-баранг кўринишда ифода қилганлар. Бу расмларда миллий анъаналар ва урф-одатларимиз ўз аксини топган.

Ҳайъат аъзолари кўргазмага қўйилган ҳар бир асарни атрофлича таҳлил этди. Ун ёшли Васила Солиҳованин «Сухбат» асари биринчи ўринга лойиқ топилди.

«ШОҲСАНАМ»НИНГ САНАМ ҚИЗИ

Аёллар йили муносабати билан хотин-қизларга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам баланд бўлмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларида аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини йўлга қўйиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги «Давлатобод» жамоа хўжалиги Украсч қиш-

лоғида жойлашган «Шоҳсанам» саноат ва савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонасида 100 нафардан зиёд қишлоқ хотин-қизлари сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Корхона оғурига обрў қўшиб фаолият кўрсатаётган Матлуба Қодирова (суратда) ана шундай фаоллардан биридир.

Шавкат АҚРОМОВ олган сурат.



Қишлоқ оқшомлари нега зерикарли?

айтмоқчи эдик. Бирок уни топишининг иложи бўлмади. Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мухим ишга қасаба уюшмалари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Бахтга қарши мазкур хўжалик ёшлари учун кўп нарса оруз

га оширмадилар. Узок вақт мобайнида стадион, гимнастика шаҳарчаси қуруқ савлат тўкиб турди ҳолос. Охир оқибат ён атрофини ўт-ўлан, янтоқ босди. Одамлар молларини энди стадионда ўлатишмоқда. Қизиғи шуки, аҳвол шундай бўлса-да спорт йўриқчиси Алихон Соатов бема-

мажмуаларига қишлоғимиз йигит ва қизларини жалб этсақ, улар орасидан алрбатта моҳир спортчилар етишиб чиқарди. Мухими улар бўш вақтларини кўнгили ўтказишарди. Гапиравериб чарчадим. Бизда спортга муносабат қачон ўзгараркин? Унинг жавоби барча қишлоқ йигит ва қиз-

олиш учун шароит йўқ. Радио, телевизор, газетажурналларнинг янги сонлари ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Бригаданин 25 нафар ишчиси ишда эҳтимол шунинг учун умум йўқ бўлса ажабмас.

Тумандаги «Толли» жамоа хўжалиғида ҳам оқшомлар зерикарли ўтмоқда. Ёшлар бўш вақтларида қайга боришни, нима қилишни билишмайди. Бекорчиликдан эса худо бозор. Ҳамма кўнгилисизликлар ёшларнинг бемақсад кўча тентиранишдан келиб чиқмоқда.

Айниқса ёз ойларида ўзини хурмат қилган хўжалик раҳбари болажонлар ҳақида алоҳида меҳрибонлик кўрсатади. Афсуски, «Толли»лик мутасаддилар чиройли гапиршдан нарига ўтишмапти. Ҳозирда мавжуд «Фунча», «Ширин», «Лола», «Тинчлик», «Нилуфар» болалар боғчаларида биронтаси ишлалайди. Сабаби уларни керакли нарзалар билан таъминлашнинг иложи бўлмаётган эмиш. Бу баҳонага нима деб жавоб беришга ҳайронсан киши. Биз би-

лан суҳбатга ошиққан ёшлар хўжаликда биронта спорт майдончаси йўқлигидан нолиб гапиршиди. Аммо бу ерда ҳам спорт йўриқчиси Абдулла Шерқобиллов вақтида ойликни олиб келаяпти.

Нуронийлар хўжалик марказидаги ёғи клубни ҳам қўришни маслаҳат беришди. Аҳвол чиндана-ташвишли эди. Клуб деворлари уйилиб кетган. Ён атроф бетартиб, яқин ўртада бирон қимса қадам ранжида қилмаган.

Юқоридаги кўнгилисиз манзарани ҳаёлимиздан ўтказар эканмиз давлатимиз раҳбари Қумқўрғон тумани «Қамолот» ёшлар жамғармаси фаолиятини нақадар тўғри танқид қилганлигига иқдор бўлган киши. Хўш, Шўрчидаги биз қаламга олган хўжаликларда ёшлар жисмоний тарбия ва спорт, санъат билан ошно бўлишлари, бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун қачон шароит яратилади?

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири.

ХАРОБА КЛУБ, ЯНТОҚЗОР СТАДИОН

бўлиб қолапти. Аслида бу ерда яхшигина футбол, қўл тўпи майдонлари, гимнастика шаҳарчаси мавжуд. Бирок катта маблаг эвазига бунёд этилган бу бойликнинг қадрига етишмади. Хўжалик раҳбарлари ёшларни спорт билан ошно этиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларни изчил амал-

лол машина олиб юрибларини бирдек ўйлантирапти.

Дала шийпони-деҳқон оромгоҳи. Айни пайтда маданий-маиший ишлар, тарғибот маскани. Баъзи хўжаликларда бўлганига кагаб кўп. Раҳбарлар вақти келганида ваъдани катта беришанипти, аммо оддийгина спорт кийимларини харид қилишни пайсалга солишмоқда. Спорт

ларини бирдек ўйлантирапти.

Дала шийпони-деҳқон оромгоҳи. Айни пайтда маданий-маиший ишлар, тарғибот маскани. Баъзи хўжаликларда бўлганига кагаб кўп. Раҳбарлар вақти келганида ваъдани катта беришанипти, аммо оддийгина спорт кийимларини харид қилишни пайсалга солишмоқда. Спорт

Президент Фармони меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи



ҲОЗҲОНГА ГАЗ КЕЛДИ

Нурота тумани ўзининг ташаббускор, омилкор кишилари билан танилган. Сурув-сурув кўй бокиб, эл бойлигини кўпайтираётганлар ҳам шу ерда кўллаб топилади. Мустақиллик шарофати билан қишлоқда саноат корхоналари барпо этилмоқда. Чорвадорлар, миришкорлар замонавий касбларни эгаллаш имконига эга бўлмоқдалар.

16,4 километрли газ қувури тортилди. Бунда «Навоийвилоятгаз» бошқармасининг ҳиссаси катта. Жами 133 миллион сўм маблағ ажратилди. «Навоийтоғкон» металлургия корхонаси, «Ҳозғонмармар» ҳиссадорлик жамияти, «Навоийқизилкуммуент» корхонаси ҳамда «Ҳозғон» хўжалиги муҳим ишга алоҳида ҳисса қўшдилар. Ҳозғоннинг устаси Келдиёр Ашуров бошлиқ монтаждилар саъй-ҳаракати билан 1200 хонадон газлаштирилди.

Жорий йилнинг 5 майи қишлоқ кишилари учун унутилмас кунга айланди. Вилоят ҳокими Ғайбулло Дири бир гуруҳ отахонлар билан табиий газ алангасини ёқдилар. — Биз халққа кўрсатилаётган меҳрибончиликдан гоят миннатдормиз, дейди 80 ёшли Нарзи бобо Очиллов. 70 йилда эришолмаган ниғтиларимиз қарийб 8 йилда рўёбга чиқди. Бунинг учун Президентимизга раҳматлар айтамыз. Биз эл севган аёл Латифахон Хожиева фаолияти билан аяқидан танишдик. Оиласи, турмуш тарзи ҳам ибрат олса аризуғлик. Умр йўлдоши Юсуф Хожиев билан эл саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб

келмоқда. Бахтли она олти нафар фарзандни меҳнатсевар, одамохун кишилар этиб тарбиялади. Она касба уюшма вакиллари билан ҳаёт қайнаган жойда бўлиб, улар мушкуллари осон этмоқда. Яқинда яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Қониғем туманида суюлтирилган газни балонларга жойлаштирадиган қурилма ишга туширилди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ кишилари турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади.

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» муҳбири, Муаллиф олган суратлар.

Касаба уюшмалари бозор шароитида

ҲАЁТ ҚАЙНАГАН ЖОЙДА

ШИЙПОН-ДЕҲҚОН ОРОМГОҲИ

«Деҳқонobod» жамоа хўжалигимиз миришкорлик бозор муаммоларини омиликорлик билан ҳал этмоқдалар. Қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бирдек ривожланмоқда. Айни кунларда далаларда иш қизгин. Айниқса, ғаллакорлар тиним билишмаяпти. Қомбайнлар унумли ишлатилмоқда. 250 гектар ердаги ғалланинг сўнгги майдонлари ўриб олинмоқда.

Равшанки иш унуми меҳнаткашларга яратилаётган шарт-шароитга боғлиқ. Шу боис хўжалик касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан деҳқон оромгоҳи бўлиш дала шийпонлари намунали жиҳозланди. Оромгоҳлар атрофига анвоий гуллар, райхонлар экилган. Радио, телевизор, газеталарнинг янги сонлари мавжуд. Иссиқ оқват, чой вақтида тайёрланмоқда. Ишдан сўнг эришилган натижалар шу ернинг ўзида таҳлил қилинмоқда. Илғорлар ҳар беш кунда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда.

УЧҚУДУҚ АЁЛЛАРИ

Кўёш ён-атрофни тандирдек қиздиради. Саратонда чўлда яшашнинг ўзи бўлмайдими. Бирок Учқудуқ аёллари бу ерларнинг шарт-шароитига кўникиб кетишган. Энг муҳими истиқлол шарофати билан улар ҳаётида қувончли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Энди туман кишилари ўз аэропортларига ҳам эглар. Меҳнат юксак кадрланмоқда. Қайноқум бағрида юрт чорваси асралмоқда. Тажрибали чўпнар бу йил ҳар юз совликдан 105 тундан кўзи олишга эришдилар. Бунда Учқудуқ аёлларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Касаба уюшма вакиллари улар билан доимий мулоқотда. Соғлиқларини мустаҳкамлаш, оилавий муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам беришмоқда. Қисқа вақт ичида 38 нафар хотин-қиз тақлифи қолдирилди. Эътироф этиш керак: тўйлар ихчам, замонавий, бир умр эсда қоларли қилиб ўтказилмоқда. Касаба уюшма фаоллари саъй-ҳаракати билан балоғатга етмаган қизларни турмушга узатиш, яқин қариндошлардан қиз олиб қиз бериш анча қамайдими. Болажонларни ҳам унутишартигани йўқ. Улар ажайиб оромгоҳда ёз гаштини суришмаяпти.

Ғ.АҲМЕДОВ, Пахтачи туманидаги «Деҳқонobod» жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг ўринбосари

ИШ ҲАҚИ ДАЛАНИНГ ЎЗИДА БЕРИЛАЯПТИ

Экинзорларимиз тоғ олди худудида жойлашганини учун ҳосил етиштириш, уни вақтида саранжомлаб олишнинг ўзи бўлмайдими. Бунинг учун баъзида вақт билан ҳисоблашмай ишлаш керак. Хўжалик касаба уюшма кўмитаси ўрим-йғим мавсумида маданий-маиший ишларни намунали ташкил этиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Шийпонлар ёнига экилган сабзавотлар гоёт асқотди. Дастурхонимиз тўкин-сочин бўлди. Шу ўринда қомбайнчилик миз меҳнати ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Улар техникадан унумли фойдаланиб, хирмонгоҳи баракка киритишмоқда. Меҳнат бешлашувидеа Фанижон Солиқонов, Ботиржон Маҳмудов, Раҳмонқўжа Тоҳировлар пешқадамлик қилишмоқда.

Мухими иш Вазирил Маҳкамасининг 1999 йилги бошқоқ дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни ушшоқлик билан ўтказиш тўғрисидаги қарори асосида ташкил этилган. Ғаллакорлар иш ҳақи ҳар беш кунда дала шийпонидеа тарқатилмоқда. Ҳар гектар ердан 45 центнердан ошириб хирмон уйган Хамиджон Назиров, Бахтиёр Абдураҳмонов каби пудратчилар мумай даромад эгаси бўлишди. Ўрминчи биринчи бўлиб тугаллаган жамоага касаба уюшма кўмитасининг қимматбахо эсдалик совғаси топширилди.

Маҳмуджон АМИНОВ, Чўст туманидаги «Сабзозор» ширкат хўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси

ХАЙРЛИ ИШЛАРГА БОШ-ҚОШ

Трестимиз касаба уюшма кўмитаси ўз атрофига бир ярим мингга яқин аъзоини бирлаштирган. Биз бозор шароитини ҳисобга олиб ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бераямиз. Равшанки зиммамизга масъулиятли вазифа юклатилган. Қирчиллама қишда, ёз жазирамасида ҳам фидокорона меҳнат қилиб, шаҳар кўчаларини ободонлаштириш, хиёбонларни тартибга солиш, ер ости иншоотлари, фавворалар, ҳайкаллар бунёд этиш билан машғулмиз.

Ўзаро манфаатли асосга қурилган жамоа шартномаси мақсадга эришишда муҳим рол уйнаяпти. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Улар трест бўйича 400 дан ортиқдир. Тошкент шаҳар қасб қасалиқлари шифохонаси билан тузилган шартномага асосан у ерда кўмакка муҳтож кишилар ўз асолатликларини мутахалламмоқдалар. Қасб курсларида, олийгоҳларда малакали мутахассислар тайёрлашга эътибор кучайди. Бизда ҳар йили бир марта ишчилар тиббий қуриқдан ўтказилади. Саломатлигини йўқотган ишчилар шифокорлар тавсияси асосида энг яхши шифо масканларида даволанмоқдалар.

Х.УСМОНОВ, «Тошйўлтамирқуриш» трести бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси.

Қонун барча учун баробар

Сурхондарё вилояти маданият ходимлари касаба уюшма кўмитаси телефон хизматидан бийонидек фойдаланиб келаётган эди. Нима, бўлди-ю бирдан телефонлар ишламай қолди. Кўмита раиси Шухрат Солиев вилоят телеком шўъба корхонасининг раҳбарларига бу ҳусудда мурожаат эди. Афууски, ҳеч қандай натижа бўлмади.

Буниси ҳали ҳолва экан. Шу йилнинг феврал ойида вилоят телеком шўъба корхонаси вилоят маданият ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг фойдаланилган телефон хизматлари учун 1007695 сўм қарзни тўламай келаётганини боис 125-сонли ҳат билан вилоят хўжалик судига ундириб беришни сўраб даъво аризаси киритди.

Кизик, фойдаланилмаган телефонлар учун қандай пул тўланади? Қолаверса, Ш.Солиев бир йил аввал, идорадаги телефон номерларини олиб ташлаш ҳақида хат берганлигини вилоят хўжалик судига маълум қилди.

Судда даъвогар вакиллари давонинг тўлиқ қаноатлантирилишини, жавобгар вакиллари эса судга бир қатор ҳужжатларни тақдим этиб, давонинг асоссизлигини билдириб, уни рад этишни сўради.

ДАЪВО КЎРИЛМАДИ

лекин ҳақ жойида қарор топди

Шу йил 9 апрелда суд ўз ишини қайта бошлади. Бирок, даъвогар вакиллари келишмади. Бу ҳақда суд ҳеч қандай маълумотга эга эмас эди. Сўнгра, вилоят телеком шўъба корхонасига бошлиқ ўринбосари Олимхон Эшонова бу ҳақда маълум қилди. Ҳақда суд мажлиси соат 11-00 да ва 14-00 гача 2 марта танаффус эълон қилиб даъвогар вакилини кутди. Вакилдан дарак бўлмади. Бу ҳаракати билан улар судга нисбатан ҳурматсизлик қилишди. Хаттоки, даъвогар вакиллари суддан танаффус сўраганлиқлари, жавобгар томонга нисбатан ҳақиқий қардорлиқни ўзаро аниқланганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этмади.

Суд ўз ишини жавобгар вакили Шухрат Солиев, Р.Вохидов ҳамда З.Қурбонавалар иштирокида Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси 151,88-моддаларининг «б» бандига кўра 1999 йил 9 апрелда 233/3-сонли аҳрминини чиқарди. Унга кўра, Сурхондарё вилоят телеком шўъба корхонаси даъвоси қўрилмасдан қолди.

Шундай қилиб, вилоят маданият ходимлари касаба уюшма кўмитаси, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб, елкасига беҳосдан қўйилган «қарз»дан қутилиб қолди. Бирок, телеком корхонаси раҳбарлари билса ҳазил, билмасча чин қалбидеаги ўзбошимчилигини бошқаларга ҳам қилишартигани бўлсанчи?!

Д.РУСТАМОВ.

OLAMDA NIMA GAP

ҚОҲИРА. «Исроил ҳукумати тепасига Эҳуд Баракнинг келиши Яқин Шарқда тинчликка эришишдан даракдир». Исроилнинг собиқ Бош вазир Шимон Перес Қоҳирада бўлиб ўтган Араб давлатлари ва Исроил ўртасида тинчлик ўрнатилиши тарафдорларининг халқаро анжуманида шундай деди. Унинг айтишича, Э.Барак бошчилигидаги янги ҳукумат минтақада тинчлик қарор топиши учун барча йўналишларда иш олиб боришга қодир.

Камбожа Бош вазир Хун Сен ҳарбийларнинг сиёсатга аралашувиға чек қўйиш кераклигини таъкидлади. У махсус топшириқларни бажарувчи ҳарбий қисм аскарлари олдида сўзга чиқиб, қуролли қучлар сиёсий мижозлардан четда турмоғи даркор, деди.

Камбожада ўттиз йилга яқин давом этган уруш маҳаллий ҳокимиятларнинг деярли ҳарбийлар қўлига ўтиши ва марказий бошқарув органларининг ардова ва Днестрбўйи ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ривожига тўсқинлик қилаётган муаммолар юзасидан фикр алмашув режалаштирилган. Шунингдек, унда Днестрбўйининг мақоми масаласи ҳам кўтарилди.

П.НОМПЕН. «Қизил кхмерлар» армиясининг

роил Бош вазир Эҳуд Барак мамлакат парламентиға янги ҳукумат таркибини тақдим қилиш маросимида Исроил қўшни бўлган барча араб давлатларини Яқин Шарқда тезроқ осойишталикни тиклашга чақирган эди. Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафот Э.Баракнинг мазкур баёнотини катта қониқиб билан қабул қилганини билдирди. У минтақада осойишталик ўрнатиш борасида Исроилнинг янги ҳукумати билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини маълум қилди. (ЎЗА)

Ёшинг бир жойга етганда ўтган умрингни сарҳисоб қилиб қоларкансан киши. Айниқса, элга, юртга нима манфаатим теғди, деган савол мудо қалбининг бир четидеа тугун бўлиб туравереди. Истиклол мени юзга чиқарди, қораланган номим оқланди. Ҳақда темир панжарадан қутилган кунларимдеа қатъий аҳд қилдим. Тоғу тошда чўпонилик қилиб бўлса-де Ватан истиқболи йўлида хизмат қилсам бас.

Ҳалол меҳнат қила туриб, айниқса, тухматга учрасанг чидай олмас экансан. Бунга мен ўз ҳаётимда мамлакатда шафқатсиз тергов ишларини олиб борган Гдлян гуруҳига рўбарў бўлган, яна бир бора ишонч ҳосил қилдим. Ҳақда пайтлари Дўстлик туманининг «Дўстлик» ширкатлар уюшмаси раҳбари бўлиб ишлардим. Мақтаниб эмас-у, хўжалигимиз бақувват, ишларимиз кўнгилдағидек эди. Айниқса, чорвачилик соҳасида Республикаимизда юқори ўринда эдик. 1984 йил 5 февраль кунини ҳечаси уйимизга бир гуруҳ нотаниш кишилар кириб келиб, ўзларини Москва прокуратурасидан

олмай қўйиб юборишди. Ишмини давом эттираведим. Ҳақда пайтлари 7 июн кунини дала айланми, хўжалик идорасига келсам, бир русийзабон киши йўлимни тўсиб, Москва прокуратураси

АДОЛАТ ТАНТАНАСИГА ИШОНАРДИМ

хизмат гувоҳномасини кўрсатди. Ҳақда Колисниченко деб таништирган бу жаноб «Жигули» машинасига ўтиришимни айтди. Ҳе йўқ, бе йўқ машинага босиб, яна Жиззахга олиб бориб қамаб қўйишди. Беоддликка чидай олмадим. Ахир, мен вилоят кенгаши депутати эдим. Мени ўша Колисниченко ҳам а ўзини СССР прокуратурасида-и дея таништирган Василий Чужик деган шахс тергов қилди. Икки йилу саккиз ой турманинг зах хонасида ўтирдим. Нукул бир савола

га жавоб олмоқчи бўлишарди: кимга қанча пора бердинг... Охири уларнинг ҳам сабр касоси идорасига келсам, бир русийзабон киши йўлимни тўсиб, Москва прокуратураси

раисига ўринбосари вазифасида иш бошладим. Сўнгра Сирдарё вилоят «Тошкент» ширкатлар уюшмаси раислигига чақирдиши. Хўжалик аҳволи жуда ночор. Фалла ҳосилдорлиги 6-8 центнер эди, пахтаники ҳам шундан ошмай турган экан. Болалигим шу ерларда ўтган. Ҳақда қишлоқларим билан кенгашиб, ишга киришдик. Хўжалик бир йилдаёқ оёққа турди. Фалла, пахта сотиш режасини туманда биринчи бўлиб адо этдик. Одамлар кўнглида умид учкунлар пайдо бўлди. Аммо ростини айтганда эски қаландар қутулиш қийин кечаётганди. Иқтисодни юксалтириш учун эса йиллар



Будапешт

кераклиги маълум бўлди. Гапнинг очиги менга ҳам фарзандлар - набиралар қуршовида дам олиш имконияти кўп туғилган. Ҳозир ёшим 61 да. Аммо бунга сира ёлланмаганман. Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан мазкур хўжаликка раҳбар бўлишга тақлиф этишганда, сира иккиланмасдан қолдим. Тўғриси, хўжалиқнинг аҳволи ўта ночор эди. Иш бошлаган вақтда тоза ичимлик суви, ҳатто электр таъминоти ҳам муаммо экан. Дастлабки ишим бу муаммоларни бартараф этиш бўлди. Ишлаб, меҳнатидан манфаат кўролмай келаётган дала ишчилари қайфияти ўзгарди. Фалла топшириш давлат бюртмасини бажардик. Режадагидан ошиқ донни ишчиларимизга бўлиб берамиз. Бизнинг олдимизда турган гоёт долзарб вазифалардан бири кишилар моддий манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий муҳофазани янада кучайтириш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий мадад кўрсатишдан иборат. Чўл худудларда деҳқончилик қилиш, фойда олиш мушкул иш эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай бўлсада биз ютуқларга эришармиз. Аммо баъзи бошқа хўжалиқларда алмашлаб экишга, ерни сифатли шудгор қилишга эътибор берилмаётганлиги сабабли кетаётгани мени доимо қийнайди.

ШАРТНОМА АСОСИДА

Гулистон туманида тақдорий экинлар экишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил галладан бўшган 2220 гектар майдонга тақдорий экинлар экиш режалаштирилган. «Боевут» хўжалиги деҳқонларни оралик экинлар экишни ҳозирдаёқ ниҳоясига етказдилар. Далаларга асосан дон учун эртапишар маккажўхори, полиз ва сабзавот экинлари экилди. Экин майдонларининг асосий қисми шартнома асосида оилавий пудратчиларга бўлиб берилган.

КЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

«Бағдоддонмахсулот» акционерлик жамиятида аёллар учун бир қанча қўшимча имтиёзлар жорий этилди. Эндиликда корхонада хизмат қилаётган аёлларга сўхаттоҳларда дам олиш учун бепул йўлланма берилди. Шунингдек, икки ёшгача бола тарбияси билан шуғулланайтган аёлларга энг кам иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорида қўшимча моддий ёрдам кўрсатилади. Айни вақтда эҳтиёжманд оилаларни озиқ-овқат маҳсулотлари, беморларни эса кераклик дори-дармонлар билан таъминлашда ҳам имтиёзлар яратилди.

Ерда, деҳқонда сира айтб йўқ. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳукумати қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш учун улғувор ишларни амалга оширмаяпти. Шу сабаб оловқалб ёшларга кенг йўл берган ҳолда тажрибали, кекса ходимларни ўзинидан узоқлаштирмаслигимиз лозим.

Юсуф ТОВБОЕВ, Зомин туманидаги «Ғалаба» ижара ширкатлар уюшмаси раиси.

Ўзликни англаш

Азим шаҳарда ўтказилган «Йилнинг энг фаол аёли» кўрик танловига 8 та мактабдан қатнашган иштирокчилар орасида 1-мактабнинг биологика ўқитувчиси Пардабувиш Мингулова голиб деб топилди ва вилоят танловига йўлланма олди. Бундай тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти каттадир.

Республикамиз Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони асосида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу асосда март ойида «Тўй либослари» кўрик-танлови ўтказилиб, унда Тинч-

«Оҳангароншифер», «Сантехкуйма», «Пластмасса», «Оҳангарондон» каби йирик корхоналарда ишлайдиган хотин-қизлар кўмиталари раислари фаолият бошладилар. Улар ўз олдларига аёллар меҳнатини энгилаштириш, уларни зарарли иш ўринларида ишлатмаслик, ҳомилдор аёлларга берил-

улар ана шу масалалар ўз ҳаётларида қандай ўринда эканлиги ҳақида ўйлаб кўрадилар. Бу анкеталарнинг таҳлили бизлар учун келгуси фаолиятимизда нималарга кўпроқ аҳамият беришимиз кераклигини ойдинлаштиради. Ушбу ишлар маърузада тилга олинган. Аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шакллари кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш керак» деган сўзларнинг нақадар ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

ФЕРУЗА ТИККАН КЕЛИН ЛИБОСИ

лик маҳалласида истиқомат қилувчи чевар Феруза Ниёзова тиккан келин либоси миллий, замонавий, мукамал, деб топилди ва турмуш қурадиغان ёшларга тавсия этилди. 8 март ва Наврўз байрамлари муносабати билан ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қаришлар, кўп болали оилаларга 36 минг сўмлик совғалар ва 120 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Икки ёшгача бўлган болали, ишламаётган аёлларга 1 миллион 408 минг сўм маблағ тарқатилди. Кўп болали, кам таъминланган оилалар учун салкам 6 миллион сўм сарфланди, кўплаб мактаб дарсликлари бепул берилди.

диган таътилни одатдаги 7 ой ўрнига 5 ойдан бошлаш каби янги тақлиф, тавсияларни жорий этишни вазифа қилиб олдилар. Шаҳар кўмитасида аёллар иш кунини бир соатга қисқартириш масаласи ҳам ҳал этилмоқда.

Маҳаллаларда яшовчи иш билан банд бўлмаган аёллар ҳам ҳисобга олиб борилмоқда. Яқинда улардан 27 нафари тадбиркор аёллар бош бўлган хусусий фирмаларга ишга жойлаштирилди. Судланган, жазо муқддирини ўтаб қайтган аёллардан икки нафари «Саховат уйи»да иш билан таъминланди.

Аёл оила бекаси,-дейди Оҳангарон шаҳар ҳокими муовини, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Карима Аҳмедова,- хонадоннинг саришталлиги, кўрки, болалар тарбияси, ҳаммаси аёллар зиммасида. Шунинг ҳисобга олиб, «Саришта ва покиза оила» кўрик-танлови ўтказдик. Унда Охунбобоев номли маҳаллада истиқомат қилаётган Толиповлар оиласи голиб, деб топилди. Эндиги вазифамиз корхоналарда ишлаётган аёллар ўртасида «Хуқуқингизни биласизми?» мавзусида сўровнома ўтказиш. Бир неча саволдан иборат бўлган анкетамизга ҳоҳловчилар ёзма жавоб беришади. Унда бевосита ўз ишига, ҳаётига алоқадор ҳуқуқий масалалар, ўз-қадр-қимматини белгилوши саволларга жавоб қидириш жараёнида

Хар бир инсон ўзи бир олам, инсон кўнгли мислсиз дарё, дейилади. Аёл кишининг дардини, ташвишларини, армонларини ўрганиб, кези келганда озгина кўмак, ҳеч бўлмаганда тўғри маслаҳат бериш саҳий, саховатли одамларга хос ҳислат ҳисобланади. Аёллар бирон масала билан ўзларининг биринчи ҳимоячиси маҳалла идорасига бемалол келиб, кўнглиларидаги дардларини тортинмай айта оlishлари учун маҳалла кўмиталари котиблиги лавозимига шу маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раислари тавсия этилмоқда. Яна бир эвсия 11-шаҳарда тадбиркор аёллар, ҳуқуқшунослар ассоциацияси тузилган. Улар ўз фаолиятларини мунтазам равишда такомиллаштириб бормоқдалар. Эркин ҳаракат, эркин фикрлаш, раҳбарлик санъати ана шу ишларда намоеъ бўлади. Тадбиркорлар сони ортиши эса, тўкинчиликка хизмат қилади. Шунинг унутмайликки, - деган эдилар Президентимиз сессияда, - жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидаги нечоғли илгариллаб кетгани шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий маънавий савиясини белгилайди.

«... Мени доимо бир ўй тинч қўймайди, - деб ёзади тиббиёт фанлари номзооди Феруза Оқилова. - Бундан ўн йил муқаддам биз ким эдик? Бугунги кунларда нималарга эришдик? Ўзликни англаш, тарихимизни тиклаган, обидаларимизга қайта қайта бағишлаган, она тилимизга давлат мақоми берилган халқимиз. Бу ва шунга ўхшаш иш-

Абдул РОЗИК

ҚУЁШГА ЮЗ ТУТГАН ХАЛҚ

Ватандошларимиздан келаётган юзлаб, минглаб мактубларда «Февраль воқеалари» биз учун сабоқ бўлди, дейилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

раётган бу ғаламисларнинг мудиаси нима ўзи? Қандай йўл билан бўлса ҳам ҳокимиятнинг кўлга киритиши? Наҳотки, улар «эл боласи бўлолмаган, эл оғаси бўлолмас» деган мақолимиздан беҳабар бўлишса? Мустақилликнинг илк қалтиш йилларида бу нокаслар қаерларда сафсата сўйиб юришувди? Аёллар, довюррак инсон бошига қилич келса ҳам, агар у ростамкам халқ дарадида қуйса, чинакам ватанпарвар бўлса, юртини ташлаб қочиб кетадими? Ўзга ерларда қорин қаппайтириб, ўз халқи, Ватани шаънига ноҳоз гаплар айтадими? Ўзбекистонда амалга оширилётган ислохотларда ўз ҳиссасини қўшиш ўрнига фақат тирноқ остидан кир ахтариш билан машғул бўлган кимсани нима деб аташ мумкин?

«... Мени доимо бир ўй тинч қўймайди, - деб ёзади тиббиёт фанлари номзооди Феруза Оқилова. - Бундан ўн йил муқаддам биз ким эдик? Бугунги кунларда нималарга эришдик? Ўзликни англаш, тарихимизни тиклаган, обидаларимизга қайта қайта бағишлаган, она тилимизга давлат мақоми берилган халқимиз. Бу ва шунга ўхшаш иш-

ми, бошқа йўл биланим, қандай бўлмасин, Президент бўлиши истаган шахс — Мухаммад Солиҳ 90-йилларнинг бошида ортидан эргашиб юрган 4-5 ўзига ўхшаган гумроҳларни халқ деб ўйлаган бўлса, қаттиқ янглишади. Бу — итбалиқ кўлмақни денгиз деб билганидай гап. Учунчида эса, Чўлпон бобомиз айтганидек, ҳақиқий маънодаги денгиз — халқнинг эса бир омадсиз шоир ва уч-тўрт ақидапарастрга унчалик ҳам кўзи учиб тургани йўқ. Халқимиз бугунги кунда кимнинг халқим деб, кимнинг эса халқум деб ҳаракат қилаётганини жуда яхши англайди. Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистонда халқ номидан сўзлашга кафолати бўлган Президент ўз халқининг ҳақиқий ҳимоячиси, йўлбошчиси сифатида намоеъ бўлган бўлса, шу юрт одамлари Ислоом Каримовни фахр билан менинг Президентим дейди, керак бўлса, ҳимоя қилишни ҳам билади.

Фориш тумани Қораабдал қишлоқ фуқаролар йигини раиси Ш. Абдуғаниев йўллаган шовилчинномада шундай сўзлар бор: «Намояиш этилган «Февраль воқеалари» фильми барчамиз учун бирда сабоқ бўлди. Фильм давлатимиз мустақиллигини асраш йўлида ён-атрофимизда юз

бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқ бўлмастеклиги ундайди». Дустилик тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси жамоаси: «Биз озодлигимизни, мустақил Ватанимизни ва халқимизнинг суянган тоғи — Сиз Президентимизни ҳеч қачон, ҳеч кимга бермаймиз» деб ёзса, Бухородаги Баҳоуддин Наҳшбанд жоме масжидининг имом хатиби Б. Раҳмонов йўллаган шовилчинномада юртимиз фуқароларининг Ватан хоинларига бўлган нафратини муҳасса: «Ўз иймонини, виждонини, ўзиномусини, сариқ қақага алишиб, Ватанига, халқига хиёнат қилган хоинни Оллоҳ ҳам кечирмайди. Мустақиллигимизга, муҳтарам Президентимизга қарши қўл кўтарган оқдадарларга олий жазо ҳам кам. Илоҳим, бундай кишилар Оллоҳнинг нафратига йўлиқсинлар!»


Бундай мазмундаги шовилчинномалар қироқчилик У. Ҳамроев, сариосиёлик М. Мамаюсов, янгибозорлик О. Ёқубов, хонқалик Р. Қиличев, боғотлик И. Курбонов, наманганлик М. Холдорбоева, арнасойлик З. Қамбаралиева, форишлик М. Курбонов, Дўстлик туманидан И. Абдуллаев, кўронлик С. Ҳамдамов, хивалик Р. Фаёзуллаев, қўшқўрлик Р. Собиров, ғаллаорлик Х. Давронов,

зарбдорлик Х. Қаршибоев, янгибозорлик Д. Сотимова, мингбулоқлик А. Салимов ва бошқалардан ҳам келган.

Бугун қайси бир тубанликларда туриб ўз киндик қони томган юртга қараб туғурмоқчи бўлганларини туғуни ўзига қайтди: эл нафратига дучор бўлди. Тўртта гапирса, битта мақол тирайдиган бу халқнинг «Бир туғурса не бўлар, эл туғурса кўл бўлар» деган ҳикмати беркорга айтилмаган. Бировга ўлим тилаш марднинг иши эмас, бироқ бу «кўл» бир кун келиб ватан гадоси — қафан гадоси бўлиб юрганларни чўктириши табиий. Чунки, эл қарғишига дучор бўлганларни бундан ортиқ қисмат кутмайди.

Биз йўлбошчимиз номига келаётган юзлаб мактублар, шовилчинномаларнинг бир қисмигина тўхтадиқ, холос. Улар сони ҳамон тўтовсиз кўпаймоқда. Бу эса Ватанимиз Истиклолининг 8 йиллигини муносиб нишонлаш учун тайёргарлик кўраётган, Мустақиллик офтоби кўзини нурли, пешонасини ярқироқ қилган халқимизнинг танлаган йўлимизда собит эканликларини яна бир қарра исботлайди.

Беҳзод НОРБОЕВ.



Бир қонун шарҳи

Газета саҳифаларида эълон қилиниб борилаётган ҳуқуқий мавзудаги мақолалар туркуми ўқувчиларда тобора қизиқиш уйғотиб бормоқда. Буни таҳририятга келаётган ақсарият мактублар тасдиқлаб турибди. Шу боис, бугунги сўбатимизда Тошкент давлат юридик институти қошидаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази тавсиясига кўра, юридик фанлари номзооди Мавлуда Аҳмадшоева иштирок этиб, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги қонунни шарҳлайдилар.

— Мазкур қонун 1998 йил 29 август кунин Олий Мажлис XII сессиясида қабул қилинган эди. Бунинг асосий сабабларидан бири шунки, Ўзбекистон континентал мамлакат сирасига қиради. Яъни худудий жойлашиши қуруқликдан иборат бўлиб, халқ ҳужалиги ҳаётида транспорт воситаларидан оқилона ва умумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўнун жами 31 моддани ўз ичига олади. Унда ушбу соҳа фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бошқариш, унинг бошқарувчи давлат маҳалли органларининг ваколатлари белгилаб қўйилган.

англамоқ керак. Хўш, автомобиль транспорти деганда нимани тушунамиз? Автомобиль транспорти бу таркибига юридик ва жисмоний шахслар кирувчи, иқтисодий ва аҳолининг йўловчилар, бағаж ва юкларни, шу жумладан почтани автомобильда ташишига бўлган эҳтиёжларини таъминловчи ишлаб чиқариш-технология мажмуидир.

Автомобиль транспорти мулк шаклига кўра хусусий ва оммавийга, шунингдек, шаҳардаги, шаҳар атрофидаги, шаҳарлараро ва халққаро ташишга ҳам бўлинади.

Халқаро ташишларга, йўналиш масаласидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегараси ташқарисидан амалга оширилган ташишлар қиради.

Автомобиль транспорти фаолияти давлат томонидан тартибга солинади ва у қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- сертификатлаш;
- лицензиялаш;
- солиқ солиш;
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташишлар учун таърифларни шакллантириш;
- ягона илмий-техника сиебатсини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Кўнуннинг 10-11 моддаларида давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ваколатлари берилган бўлиб, уларнинг автомобиль транспортини комплекс ривожлантиришдаги минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш, барча ташувчи-мажмуиди учун кенг шараитлар яратиш, автомобиль транспортининг моддий техника ва ижтимоий негизини мустаҳкамлашга кўмаклашиши каби вазифалари аниқ қилиб кўрсатилган.

Ҳужалик алоқаларининг кенгайтириши деярли барча фуқароларни автомобиль транспортига оид муносабатлар иштирокчисига айлантирмоқда. Шу сабабли автомобиль транспорти воситаларининг хавфсизлиги, экология, техник талабларига жавоб бериш масаласи жуда муҳимдир. Автотранспорт воситалари аввало хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, стандартлар ва техник шароитларга, табиий санитария ва ёнгинаги қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак.

Сертификатлашдан ўтмаган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган автотранспорт воситасини бошқарувчи шахс маълум талабларга жавоб бериши керак. Бошқариш ҳуқуқи тегишли малакага эга бўлган, табиий текширувдан ўтган шахсга берилади. Бу қоида мезонини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан назорат қилинади. Йў-

ловчилар, бағаж ва юклар ташиш-шартнома асосида амалга оширилади, унда ташишнинг шартлари ва томонларнинг жавобгарлиги назарда тутилади, ҳақ белгиланади.

Кўнунда давлатда ҳолатлар (эпидемия, тошқин, ёнгин, эпидемия ва бошқа табиий офатлар) содир бўлган тақдирда ташувчилар ва миқозлар ўртасидаги шартнома муносабатлари Вазирлар Маҳкамаси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорига биноан табиий

яроқли транспорт воситасидан фойдаланиши, шартнома шартларига риоя этиши, йўловчилар билан юклар ташишнинг белгиланган қоидаларига ва уларни элтиш муддатларига амак қилиши, сақланишини таъминлаш, ташишдан бош тортиш ҳолларида эса миқозга зарарни қоплаш, тартиб бўйича ҳисобот олиш ва ҳисобот бериш ишларини юритиш қонуннинг 18-моддасида ифодаланган.

Кўнунда миқознинг хуқуқлари ва мажбуриятлари беш ёшдан ўн ёшгача бўлган бола учун алоҳида жой ажратилиб, тўлиқ чипта қийматининг 50 фоизини тўлаб ҳамда ўн ёшгача бўлган икки ёки ундан ортиқ бола олиб юрганда, улардан бирини бепул, қолганлари учун 50 фоизли чипта олиш каби хуқуқлардан фойдаланади. Бундан ташқари, йўловчилар шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида 20 кгдан ошмайдиган оғирликдаги бағажни, шаҳарлараро ва халққаро йўналишларда белгиланган ўлчамлардаги бағажнинг бир ўрнини ўзи бепул, кўрсатиб ўтилган нормалардагидан ортиқча бағажни эса ҳақ эвазига олиб юриш ҳуқуқига эгадирлар. Мабодо йўловчи чиптани ташиш ва бошланмасдан олдин топширса, у учун тўлаган сумма қайтиб берилади. Агар йўловчилар ташувчи рейслар кечикан ёки бекор қилинган тақдирда, етказилган зиён ҳамда маънавий зарарни қонунга биноан тўлатириши ва қоплатиш ҳуқуқига эга.

Ташиш шартномаси асосида миқоз қатор мажбуриятларга ҳам эгадир. Шунга кўра, шартнома шартларига риоя қилиш, ташиш қоидаларида ўзига қўйилган талабларни бажариш, ташилаётган юкнинг шартномага мувофиқлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни ташувчининг талабига биноан тақдим этиш, автотранспорт воситаларининг ташилиши лозим бўлган юк ёки бағаж ёнига бемалол ва хавфсиз кириб бора олишини таъминлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт (20-модда).

Мажбурият бўйича томонлар жавобгарлиги ҳам белгилаб қўйилган. Ташувчи юк ёки бағажнинг йўқолиши, кам чиқishi ёки шаклланишида, (тузилишида) шикаст етказилганлиги (бузилганлиги)

Мажбурият бўйича томонлар жавобгарлиги ҳам белгилаб қўйилган. Ташувчи юк ёки бағажнинг йўқолиши, кам чиқishi ёки шаклланишида, (тузилишида) шикаст етказилганлиги (бузилганлиги)

Ташувчи шартномага мувофиқ юк ташишда автотранспорт воситасини бермаганлиги ёки ўз вақтида етказмаганлиги ҳам жавобгардир. Мабодо миқоз берилган автотранспортдан фойдаланмас, зарли сабаблар натижасида шу ҳолат вужудга келган бўлса, жавобгарлик истисно қилинади (23-24 моддалар).

Лексин автотранспорт воситаси белгиланган манзилга кечикиб келган тақдирда (шаҳар ва шаҳар атрофида ташишлар бундан мустасно), агар кечиктириш ёки кеч этиб бориш ташувчига боғлиқ бўлган ҳолатлар туфайли юз берганлигини исботлай олмаса, ташувчи йўловчига жарима тариқасида кўрган зарарини ҳам тўлайди. Шунингдек, йўловчининг ҳаёти ёки соғлигига шикаст етказилганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги қонунга мувофиқ белгиланади.

Мабодо, миқознинг айби билан бошқа шахсларга, ташувчи жавобгар бўлган мол-мулкка зарар етказса, бу ҳолда бюортмачи жавобгардир. Йўловчилар, бағаж ва юкларни ташиш маълум даражада хавф билан боғлиқ хизматлардан ҳисобланади. Шу боис, йўловчилар бағаж ва юкларни суғурта қилишлари шартдир. Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши давр эҳтиёжларига мосдир ва у халқ ҳужалигининг муҳим ва кенгаётган тармоғи бўлган транспортнинг зарур шахобчаси ҳисобланган автотранспорт хизматида фойдаланишга оид фаолиятини тартибга солишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

БЕШҚАЙРАҒОЧ НОНИ

Тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга бўлган эътибор янги корхоналарнинг вужудга келишига кенг имкониятлар яратиб берди. Пойтахтимиздаги «Ўздон маҳсулот» корпорациясига қарашли «Бешқайрағоч-нон» корхонаси ҳам ана шу ҳаракат натижаси ўлароқ юзага келган эди. Мазкур корхонанинг ишга тушгани ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, шунга қарамастан, бу ёрда тайёрланаётган 15 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ўзининг сифатлиги ва тотлиғи билан одамларга манзур бўлмоқда.

Режа бўйича, кунига 5-6 тонна атрофида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришмиизга тўғри келмоқда. Корхонада маъвуд бўлган эски «Эфтел» пелларининг ўрнига замонавий «Винчлер» ускуналар ўрнатилиши ана шундай ютуқларга эришишимизга асосий омил бўлаётди. Мухими, корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар халқимизга манзур бўлмоқда. Бу эса бизга қуқувват бағишлайди.

Суратларда: 1. Корхона дўқони сотувчиси Гўлшода Маъмурова. 2. Нонларнинг хуштаъми ва сифатли бўлиши нон цехи қопловчиси Махбуба Собировага ҳам боғлиқ. Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар

Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига

Хабибулла Зайниддин Урта Осиё халқларининг Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар босқинчилигига қарши тарихий курашга етакчилик қилган буюқ ҳарбий саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳақида кўп йиллардан бундан буён изланишлар олиб боради. Ана шу изланишлар махсули сифатида 1979 йили Гафур Ғулум нашриётида унинг «Асрлар садоси», 1993 йили «Нур» нашриётида «Жалолиддин Мангуберди» номли тарихий китоб ва кассалари чоп этилди.

Бургутлар уясида сўт эмдирди онамиз, От устида ўргатди жанг қилишни отамиз...

Урта Осиё халқларининг XIII аср бошларида Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар босқинчилигига қарши тарихий курашга етакчилик қилган ҳарбий саркарда Жалолиддин Мангуберди ўзбек халқининг мислсиз жасоратли, беқиеёс оташқаб фарзандидир.

тонлар топталди. Маданият обидалари култупаларга айлантирилди. Аҳоли эса қариб ташланди, қул этиб ҳайдаб кетилди. Бундай ваҳшийликларни ўз кўзи билан кўрган Жалолиддин қасос байроғини кўтариб чиқди.

Узини Искандари Соний деб ҳисоблаган султон Ало-виддин Муҳаммад II беному нишон ўлим топди. Кейинроқ унинг жасади мўғуллар томонидан куйдирилиб, кули кўкка совирилди ҳам.

ЮРТ ШАЪНИ ДЕБ ЯШАДИ

сафдоши - сардори акром Темур Малик номи чуқур хурмат билан тилга олинади.

Султон Муҳаммад II вафотидан сал илгари тўнғич ўғли Жалолиддин Мангубердини ўз ўрнига султон этиб тайинлар экан, унга султонлик шамшири ҳамда давлат муҳри зарб этилган олмос кўзли олтин узукни ҳам тақдим этади ва хоразмшоҳлар сулоласи ҳамда давлатини ёлғиз угина саклаб қола қолади, дейди.

бунга қарши чиқишди. Уни нафақат тахтдан маҳрум этиш, балки жонига қасд қилишга ҳам қарор қилгандилар. Жалолиддин содир бўлиши мумкин бўлган ушбу суикасдан ўз вақтида воқиф этилди.

У бундай қалтис вазиятда Урганч мудофеасини сира ташкил этиб бўлмастлигига ишонч ҳосил қилгач, Темур Малик ва уч юздан зиёдроқ кичик, аммо жасур аскарлари ҳамроҳлигида Хоразмдан Хурсон сари

юзланишга мажбур бўлади.

1221 йил баҳорида Урганчдан йўлга чиққан Жалолиддинни тўзққа илинтириш учун ва султонни тирки кўлга олиш мақсадида махсус сараланган душман аскарлари Неса шаҳри атрофида пайт пойлаб турган эдилар. Бироқ Жалолиддин лашкарбози сифатида усталик, баҳодирлик кўрсатади, жангда мўғул-

ларни доғда қолдириб, тасман тор-мор этади, душманнинг от ва озикларини тортиб олиб, ўз аскарларини яхшироқ таъмин этишга муваффақ бўлади.

1210 йилнинг куз ойларида Сирдарё бўйларида қорачопонликлар (қорахитойлар) билан бўлган ҳал этувчи жангда уша вақтда навқирон, ўн саккиз ёшли Жалолиддин Хоразм кўшинларининг чап қанотини, Темур Малик эса ўнг қано-

тини бошқарган эдилар. Қақшатқич ва шиддатли жанг икки буюқ саркарда қарамонликлари туфайли хоразмликларнинг тўла ғалабаси билан яқунланган. Қорачопонликларнинг бу жангда энг тажрибали лашкарбози Таянғутхон асир олинган, шу билан қорачопонликларнинг ҳукмронлигига чек қўйилган эди. 1216 йили эса Иргиз дарёси бўйидаги мўғулларнинг олдинги қўриқчи туманларидан иборат кўшинлари устидан қозонилган ғалабанинг ташиқлотчи ҳам Темур Малик ва Жалолиддинлар бўлган эдилар. Бу учинчи ғалаба уларнинг шухратини олис ўлкаларга ёйди, ҳарбий истеъдодларини янада намойён қилди.

Мамлакат пойтахти Урганч мўғуллар томонидан ишғол этилгач, душман бу ердан қочган Туркон хотун Мозондаронда кўлга олди ва у Чингизхон қароргоҳига юборилди. У асир сифатида умрининг охиригача хор-зорликда яшаб, ўз ажали билан 1233 йили вафот этди. Хоразмшоҳ хонадонига мансуб эрлар қатл этилди, аёллари Чингизхоннинг яқинлигига хотинликка берилди.

Энди давлатни ҳам, сулоланинг шаънини ҳам саклаб қолиш фақат Жалолид-

дингагина боғлиқ бўлиб қолган эди.

Фазлulloҳ Рашиддиннинг «Жомеъ ат-таворих» («Тарихлар мажмуаси») асарига тасвирланган, Жалолиддин Мангуберди қорачадан келган, юмалоқ юзли, қовоқлари қийикроқ, катта кўй кўзли, ўрта бўй, алп қоматли бўлган. У соқол кўймаган, лекин ёйсимон мўйлаби уни янада кўркем ва саботли кўрсатар, доимо самимий ҳамда мулоим боқувчи чеҳрасидаги қизил юрган ёноқлари, қадди-бастидан шундоқ куч-ғайрат ёғилб туришини пайкаш қийин эмасди. У ўз кучи ва идроки билан ҳамма нарсага эриша оладиган, мартабаси бою камбағалликдан қатъий назар, барчага баробар меҳрибонлик билан бирдай муомалада бўлувчи, садоқатли, жасур кишиларни юқори кадрловчи инсон бўлган. Фуқароларга тинчлик, фаровонлик истовчи аждоғи фазилатли инсон сифатида ном қозонганди.

(Давоми бор).

Шу сонга хабар ЯНГИ СПЕКТАКЛ ПРЕМЬЕРАСИ

Гулистон шаҳридаги Олим Хўжаев номли вилоят муסיқали драма театрида Жўра Маҳмудов қаламига мансуб «Аёллар фарёди» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

Мазкур спектакл уруш йилларида эркаклар қаторида мардондор меҳнат қилган, матонат ва ўз иродаси билан ғалабани яқинлаштиришга ҳаракат қилган аёллар ҳаётига бағишланган. Унинг саҳналаштирувчи режиссёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мамадали Аскарқовдир.

Спектакл Гулистон шаҳар аёллари ва уруш қатнашчиларига ҳамда фаришларга бепул намоиш қилинди.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Менинг нафсим балодир... ШОХИДАМАС, БАРГИДА!

Ўрганишда, машинадан тушган йигит бўш шишалар жойланган яшиқни кўтарганига тўғри ошхона томон келаверди. Илгари бўш шишаларни лимонад ёки газли сувга шу ерда нақд пулга алмаштириб кетарди. Ҳозир эса ошхонадаги салқин ичимликлар қуювчи дастгоҳлар тўхтатилган. Солиқчилар назорат тартибиде текширув ишларини олиб бормоқдалар. Шу боисдан ҳам «Родничок» хусусий корхонаси раҳбари Борис Черевкoning ишораси билан бўш шиша кўтариб келаётган йигит орқага қайтди.

Наргиза мижозларнинг биридан 40 минг 500 сўм санаб олаётган пайтида цехга Давлат солиқ кўмитаси ходимлари келиб қолишди. Улар бир зум савдонинг белгига тепмай туришди. Наргиза пулларни қозғоқ қўтига босиб харид қилган музқаймоқ учун бир нусха юк хати ёзиб берганидан сўнг секин текширувни бошлашди.

Борис Васильевични Олмаликда ҳамма танийди, десак муболага бўлмас. Унинг қилмаган хунари қолмаган. Охири одамларнинг ёз кунлари салқин ичимликларга бўлган аҳтиёжи ортинини ҳисобга олиб «Катталар билим маркази» ошхонасида газли сув ва лимонадлар ишлаб чиқарувчи ускуналар ўрнатди.

Санаб олинган пул билан қозғоқ қўтиларига жойланган музқаймоқлар ҳисоб-китоб қилинганда Наргиза хариддордан 8324 сўм ортиқча олиб қолганлиги маълум бўлди. Бу қонунбузарликнинг бир кўриниши бўлса, савдо тушумининг назорат-касса машинасида ўтказилмаганлиги иккинчи қонун бузулиши бўлди. Юк хатининг бир нусхада ўлдирилиб, ҳеч қаерда рўйхатдан ўтказмаганлиги Наргизанинг яна бир кўпоб хатоси бўлди.

— Бу ерда маъданли сув манбаи борми? - сўрайман ундан. — Йўқ. Темир қувурлардан оқиб келаётган оддий ичимлик сувига газ аралаштириб шишаларга қуяверамиз, - деди цех соҳиби. — Ошхонадан фойдаланганимиз эвазига ўқув марказини таъмирлаш учун буюқ олиб бераман деб ваъда қилганман. Солиқчилар цехимни ёпиб қўйишди, энди буюқ ҳам йўқ.

Шундан кейин солиқчилар музқаймоқ сотишдан тушган, лекин назорат-касса машинасида ўтказилмаган барча пулларни синчиқлаб санаб чиқдилар. 250 минг 606 сўм чиқди. Хомашёлар омиборида ҳам назорат-касса машинасини четлаб ўтган 9700 сўм ҳисобланди.

Уларни Борис Черевко турли хил йўллар билан айрим шубҳали шахслардан сотиб олган экан. Ҳаммаси далилий ашё сифатида олинди. Қонунбузар «тадбиркор»нинг ўзига нисбатан эса жиноий иш кўзгатилади. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда Собир Рахимов туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Мизан» кўшма корхонасининг марказий идорасида назорат тартибиде текширув ўтказишди. Шунда улар корхона экспедитори В.Каипбулова харидор ҳақидан 1070 сўм уриб қолиб, савдодан тушган 15000 сўм тушумни назорат-касса машинасида ўтказмай пўлат сандиққа йиғиб қўйганлигининг гувоҳи бўлдилар. Бошқа сандиқлардан ҳам назорат-касса машинасида ўтказилмаган 218 минг 900 сўм чиқди. Бу ҳолатлар аҳоли билан пулли ҳисоб-китобда назорат-касса машинасини мажбуран қўллаш зарурлиги тўғрисидаги ҳукумат қарорларига зид эканлигини солиқчилар корхона раҳбарларига тушунтирдилар.

Ташкент шаҳар ва Бектемир туман солиқчилари ён-атрофдагиларга дағдаға қилаётган котмагина йигитга бир зум тикилиб туришди. Бунақа солиқчинини улар кўришмаганди. «Меҳмон» Давлат солиқ кўмитаси ходимиман деб, деҳқон бозорида фаолият кўрсатган тадбиркорлар ва фуқаролардан пул талаб қилибди, пул

«Кўлбола» солиқчи содда эмас, сохта эканлиги ўз тасдиғини топди. Уни фош этишда қатнашган ҳақиқий солиқчилар раҳбарият мукофотига сазовор бўлдилар.

СОДДАМИ Ё, СОХТА

ЎЗИ ХОН, КЎЛАНКАСИ МАЙДОН

Кунлар исиб мижозларнинг қадами «Мизан» кўшма корхонасининг музқаймоқ цехидан узилмай қолди. Цех «Чирчиксут» комбинати биносинида жойлашган бўлса ҳам машиналарнинг бири Тошкентдан, иккинчиси Фазалкент ёки Паркентдан гир-ғир келиб турибди. Цех ходими Наргиза Боймурзаеванинг кўли-қўлига тегмайди. Мижозлардан даста-даста пулларни санаб олиб исталганича музқаймоқларни цехдан чиқариб юбораяпти. Вахоланки, бу ерда фақат пул ўтказиш йўли билан махсулот сотиш мумкинлигини у яхши биларди.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ кўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.



Ўз-ўтмоқда соз

Айни пайтда бу сеvimли маскан кўплаб бухорлик ёшларнинг энг қадрдон масканларидан бирига айланиб қолган. Шундай тўхтамага келишимиз учун етарлича асосларга эгамиз. Негаки, вилоят электр тармоқлари идорасига қарашли Жондор туманидаги Н.Ражабов номли жамоа ўқувида худудиде жойлашган бу соғломлаштириш оромгоҳининг доврўги бугун тилдан-тилга кўчиб бораётир.

Ложувард осмон, сайроки қушлар чуғури, ям-яшил дов-дарахтлар, анвойи гуллар... Булар «Электрон»га хос ва мос бўлган манзарадир. Мана 15-20 кундирки, кўна Зарафоннинг чап соҳилида жойлашган фусункор оромгоҳ кўнгилдагидек хордиқ чиқаришини дилига тўғиб келган бахтиёр ўғил-қизларнинг шўх-шодон кийкириқларидан жунбушга келмоқда.

Кўриб турганингиздек, болалар тақдирини ишончли кўллarga топширилган. Уларга бутун борлигини ҳаёда қилишга қодир тарбиячилар, етакчилар жамоамизда кўплаб топилади. Хошвақт Зарипова, Завқидин Шарипов, Анвар Адизов, Бахриддин Эргашевлар фарзандларимизнинг зериккиш нималигини билмай дам олишлари учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Шундай мазмундаги истакларни ҳайдовчи Б.Шодиев, оддий фуқаролардан З.Зоиров, Р.Рўзиевлар ҳам билдиришди. Биз оромгоҳ кўйида маълум муддатда бўлиб, хушовоз хонанда Бахриддин Эргашевнинг истеъдодига, хуштаъм таомлар тайёрлаб, барчанинг олқишини олаётган Фахриддин Порсоев бошлиқ ишчан ошпазларнинг касб маҳоратига, Раҳмат Қурбонов раҳнамолигидаги шифокорларнинг зуққолигига тан бердик. Уруш ва меҳнат фахрийси, бир кўл ва бир оёқда 50 йил умргузаронлик қилиб, ҳозир ҳам эл қорига яраб келаётган бағри кенг ота-хон Маждид Рашидовнинг дил сўзлари ҳам қалбимизга муҳрланиб қолди.

Эрта тонгданок радиокарнайлардан тараладиган куй-қўшиқлар сеҳридан диллар завққа тўлади. Дам олаётган ёшлар етакчи ва тарбиячилар кўрсатмаси билан эрталлабки соғломлаштириш машқларини бажаришга киришадилар. Янги кунни саратоннинг дилга ҳузур бағишловчи мусоффо шаббодасию, нурафшон офтобининг сеҳрли нурлари остида бошламоқнинг гашти бўлакча бўлишини ўғил-қизлар аллақачон илғаб олишган. Шу боисдан ҳам уларнинг чеҳраларига бокиб тўймайсан, киши.

Дастлабки мавсумда дам олаётганлар таркиби билан қизиқдик. Шу мазмундаги саволимизга оромгоҳ бошлиғи, тиниб-тинчимас мураббий Тўлқин ака Аҳмедов шундай жавоб қайтардилар.

«Оромгоҳ маликаси», «Мархабо талантлар», «Маҳорат», «Уйла, изла, топ» тадбирлари ўқувчи ёшларда чуқур таассурот қолдирди. Бундан ташқари асфальтга расм чизиш, турли спорт мусобақалари ўтказиш, гуруҳлараро савол-жавоблар уюштириш ва бошқа шунга ўхшаш бахс-мунозарага ундовчи суҳбат ва ижодий учрашувлар исзис кетмасе керак, деб ўйлайман.

М.РУСТАМОВ (ишчи): - Қизим Моҳиғулни кўриб жуда муҳсанд бўлиб кетдим. Чунки у аёло қайфиятда, шўх-шодон, ўйнаб-қулиб юрган экан. Буларнинг ҳаммаси учун ҳукуматимизга, гамхўр Юртбошимизга раҳмат, дегим келлади.

БОЛАЛАРГА КУЛГИ ЯРАШАДИ

Бир кунлик сарф-харажат ўртача 230 сўмни ташкил этади, дейди вилоят электр тармоқлари идораси қасаса уюшмаси кўмитасининг раиси Надежда Турдиевна биз билан бўлган суҳбат чоғида.

Дастлабки мавсумда дам олаётганлар таркиби билан қизиқдик. Шу мазмундаги саволимизга оромгоҳ бошлиғи, тиниб-тинчимас мураббий Тўлқин ака Аҳмедов шундай жавоб қайтардилар.

«Оромгоҳ маликаси», «Мархабо талантлар», «Маҳорат», «Уйла, изла, топ» тадбирлари ўқувчи ёшларда чуқур таассурот қолдирди. Бундан ташқари асфальтга расм чизиш, турли спорт мусобақалари ўтказиш, гуруҳлараро савол-жавоблар уюштириш ва бошқа шунга ўхшаш бахс-мунозарага ундовчи суҳбат ва ижодий учрашувлар исзис кетмасе керак, деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, оромгоҳда дам олаётган суоқли фарзандларидан хабар олишга келган ота-оналарни ҳам суҳбатга тортдик.

«Хозир Бухоро шаҳри ва вилоятнинг қатор туманларидан келган юздан ошиқ дам олувчи ёшларга эгамиз. Эртадан кейин яна 160 ўқувчи келиши кутилади. Учунчи мавсумда эса 140 нафар ўғил-қизларимиз «Электрон» кўйида мириқиб дам олиб қайтардилар.

«Хозир Бухоро шаҳри ва вилоятнинг қатор туманларидан келган юздан ошиқ дам олувчи ёшларга эгамиз. Эртадан кейин яна 160 ўқувчи келиши кутилади. Учунчи мавсумда эса 140 нафар ўғил-қизларимиз «Электрон» кўйида мириқиб дам олиб қайтардилар.

М.ГОФУРОВА (Бухоро шаҳридан, ҳисобчи): -Менинг ўғлим ва қизим шу ерда дам олишарми. Иккиси ҳам соғ-саломат еб-ичиши, ётиш-туриши-

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бш муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламурадов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Мавзелими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида ёзилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топширилди вақти - 21.00. Топширилди 23.00. Буюртма Г - 0556. 1 2 3 4 5 6